

Солиқ ислоҳотларининг таъсирини ҳар томонлама баҳолаш онгли қарорлар қабул қилиш ва фуқароларнинг солиқ тизимидағи ўзгаришларнинг кенгроқ оқибатларини тушунишлари учун зарурдир. Бундай баҳолашларни ўтказиш орқали ҳукуматлар ўзларининг молиявий эҳтиёжлари ва мамлакатнинг кенгроқ иқтисодий ва ижтимоий мақсадлари ўртасида мувозанатга эришишлари мумкин.

Солиқ қоидаларида аниқлик ва изчилликни таъминлаш учун ҳукумат қарорлари Солиқ кодексига мос келиши мухим. Давлат бошқаруви органлари Солиқ кодексига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида ўз норматив-ҳуқуқий хужжатларини мунтазам қайта кўриб чиқишилари, зарур ҳолларда эса қайта кўриб чиқишилари ёки бекор қилишилари керак.

Солиқ кодекси динамик бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ равища доимий равища ривожланиши керак. Қонунчилик иқтисодий ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва ишбилармонлик мұхитининг доимий ўзгарувчан эҳтиёжларига жавоб бериш учун мослашиши керак.

Бошқа мамлакатлардаги иқтисодий ислоҳотлар ва сиёсатлар Ўзбекистонга сезиларли таъсир кўрсатиши мүмкінлигини тан олган ҳолда, глобал ва минтақавий иқтисодий ўзаро боғлиқликни ҳисобга олиш жуда мухимдир. Ички солиқ сиёсатини шакллантириш ва ислоҳ қилишда ушбу ташқи омилларни ҳисобга олиш керак.

#### ***Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:***

Исаев Ф. Аудит самарадорлигининг назарий-амалий талқини //Приоритетные направления, современные тенденции и перспективы развития финансового рынка. – 2023. – С. 359-361.

Исаев, Ф. (2023). Солиқ юкини камайтириида солиқ таҳлилиниң таъсирига оид назарий муроҳазалар. International Journal of Economics and Innovative Technologies, 11(2), 415–421. [https://doi.org/10.55439/EIT/vol11\\_iss2/i41](https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i41)

Исаев Ф. И. Солиқ текширувларини рақамлаштириши зарурияти. “ //Бизнес-эксперт” илмий журнали. – 2021. – Т. 6. – С. 52-54.

Исаев, Ф. (2023). Солиқларнинг фаровонликка таъсири назарияси. “Milliy Iqtisodiyotni Isloh Qilish Va Barqaror Rivojlantirish isitiqbollariga”; Respublika Ilmiy-Amaliy Konferensiyasi Materiallari to’plami., 206–208. Retrieved from <https://conference.tsue.uz/index.php/article/article/view/393>


Исаев, Ф. (2023). Солиқ таҳлили - иқтисодий таҳлилиниң таркибий қисми. Nashrlar. Retrieved from <https://e-itt.uz/index.php/editions/article/view/35>

## **МИНТАҚАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАН МИНТАҚАДА ОЗИҚ-ОВКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ**

**Ш.Рузметов, и.ф.д., доц.**  
Урганч Ранч Технология Университети

Хоразм вилоятида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда мухим аҳамиятга эга бўлиб, республикада етиштирилаётган полиз маҳсулотларининг 8 фоизи, меванинг 7 фоизи, сабзавотнинг 6 фоизи, картошканинг 5 фоизи ва узумнинг 3 фоизи тўғри келади.

Полиз, сабзавот ва картошка маҳсулотларининг япли ҳосилидаги улуши уларнинг республикадаги экин майдонларидағи улушига нисбатан пастлигича қолмоқда ҳамда мавжуд ҳолатни ҳосилдорлик пастлиги билан изоҳлаш мумкин (1-расм).



**1-расм. Хоразм вилоятининг озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришда республикадаги улуши, %**

Вилоятда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисми сув таъминоти яхши бўлган Бофот, Гурлан, Урганч, Хазорасп ва Хонқа туманларида тўғри келиб, улар вилоят умумий суғориладиган экин майдонларининг 54 фоизига ҳамда аҳолининг 50 фоизига эга бўлсада, 2023 йилда етиштирилган узумнинг 75 фоизи, полиз маҳсулотларининг 57 фоизи, картошканинг 55 фоизи, сабзавотнинг 53 фоизи ва меванинг 48 фоизи улар ҳиссасига тўғри келмоқда.

**Сабзавот маҳсулотлари** ялпи ҳосили таҳлил қилинаётган даврда 5 мартадан ортикроққа ўсган бўлиб, унга асосан экстенсив омиллар ҳисобига эришилмоқда. Ҳосилдорлиги эса ўртача республика кўрсаткичига нисбатан 20 фоизга пастлигича қолмоқда. Ҳосилдорликни туманлар кесимида таҳлил қилинганда эса Гурлан ва Янгиарик туманлари кўрсаткичи энг илғор ҳисобланган Андижон ва Фарғона каби вилоятлар кўрсаткичига яқинлигини кўриш мумкин. Аммо ушбу туманларда бирорта ҳам сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликлари мавжуд эмас ҳамда улар умумий экин майдоннинг 2-3 фоизида такрорий экин сифатида маҳсулот етиштириш билан шуғулланишмоқда, холос.

Вилоятда сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган 23 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, уларнинг қарийб  $\frac{3}{4}$  қисми Хазорасп ва Янгибозор туманларида жойлашган. Ушбу фермер хўжаликлари ихтиёрида умумий экин майдонининг атиги 0,1 фоизи мавжуд эканлиги, айрим ҳолларда туман режа кўрсаткичларини бажариш мақсадида ушбу майдонларнинг ҳам бир қисмида пахта ва ғалла етиштирилаётганлиги сабзавотчиликни ривожлантириш имкониятини бермайди. Бу таркиби жиҳатидан республикада бетакрор бўлган, Россия бозорида қадрланадиган томат пастаси ишлаб чиқариш учун жуда мос бўлган памидор каби маҳсулот турларини етиштиришни кўпайтиришга тўскىнлик қилмоқда.

Таҳлил қилинаётган даврда **полиз маҳсулотлари** ялпи ҳосили 5,1 мартаға ўсган. Шунга қарамасдан ҳосилдорлик пастлиги сақланиб, республикадаги энг паст кўрсаткичлардан (173 ц/га) бирига эга.

Полиз маҳсулотларининг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилиб, унинг асосий Урганч, Гурлан, Хазорасп ва Янгибозор туман фермерлари ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда етиштириладиган “турвак” қовуни экспортбоп ҳисоблансада, уни етиштириш қисқариб бормоқда. Полиз маҳсулотларига ер майдонларининг кам ажратилиши, ҳашоротларнинг кўпайиб бораётганлиги, экспортга чекловларнинг амал қилаётганлиги ҳамда саноат йўли билан қайта ишлашнинг мавжуд эмаслиги вилоятда полизчиликни ривожлантиришга тўсқинлик қилмоқда, дейиш мумкин.

Шу даврда **мева маҳсулотлари** ялпи ҳосили 3,3 мартаға кўпайиб, бунга асосан ҳосилдорлик ўсиши ҳисобига эришилган. Вилоят мева ҳосилдорлиги бўйича Бухоро, Андижон ва Навоий вилоятларидан кейинги 4-ўринни эгаллайди. Бошқа маҳсулотлардан фарқли равишда вилоятдаги 60 фоизга яқин маҳсулот фермерлар томонидан етиштирилади. Вилоят фермерларининг 2,5 фоиз ер майдонлари боғлардан иборат эканлиги, имкониятлар юқорилигини кўрсатади. Фақатгина охирги 5 йилда ҳукумат дастури асосида вилоятда 869 гектар янги боғлар (шундан 59 гектари интенсив боғлар) ташкил этилган, 2033 гектар боғлар эса реконструкция қилинган.

Вилоятдаги боғларнинг асосий қисми Шовот (Соҳибкор, Махтумқули ва Мехнатобод ҚФЙ), Хива (Саёб, Журён ва Шомохулум ҚФЙ), Урганч (Қорамон, Пахтакор ва Истиқбол ҚФЙ) ва Богоғот (Найман ва Кулонқорабоғ ҚФЙ) туманларида жойлашган бўлиб, улар томонидан вилоят мева маҳсулотларининг ярмига яқини ишлаб чиқарилмоқда.


Шу даврда **узум** етиштириш ҳажми 3 мартаға ошган бўлсада, аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ўртача республика кўрсаткичига нисбатан 2,2 мартаға пастдир. Вилоятда етиштирилаётган узумнинг 60 фоиздан ортифи Богоғот, Урганч ва Хазорасп туманлари ҳиссасига тўғри келади.

Ҳукумат дастури асосида охирги 5 йил давомида вилоятда 500 га янги узумзорлар ташкил этилган бўлсада, фермер хўжаликлари умумий ер майдонининг атиги 0,2 фоизи токзорлар ташкил этмоқда. ортифи Богоғот, Хазорасп ва Урганч туманларига тўғри келади.

Узумчиликдаги кучли ихтисослашув Богоғот туманида мавжуд бўлиб, биргина Дехқонобод ҚФЙ аҳолиси ва фермерлари томонидан тумандаги маҳсулотнинг 80 фоиздан ортифи етиштирилиб, унинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Ток сувни кам талаб қилиши, айrim меваларга нисбатан шўрга чидамли эканлигини ва вилоятда етиштирилаётган узум таъми бўйича устунликка эга эканлигини эътиборга оладиган бўлсак, вилоятда бу борадаги устунликлар самарали фойдаланилмаяпти.

Вилоятда **чорвачиликни** ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у озиқа базасининг яратилганлиги билан боғлиқдир. Вилоят ҳудудининг 18,2 фоизини пичанзор ва яйловлар ташкил этиб, уларнинг 99 фоизи биргина Хазорасп туманига тўғри келади. Яйловлар билан таъминланиши бўйича (1 қўй-

эчкига тўғри келадиган яйлов майдони) республикада энг охирги ўринни эгаллаб, бу кўрсаткич 0,01 гектарни ташкил этади (2-расм).



**2-расм. Республикада 1 бош қўй-эчкигатўғри келадиган яйлов майдони, га**

Яйловлар майдонининг камлиги вилоятда қўй ва эчкичиликни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қиласди. Вилоятда майда шохли чорванинг қарийб 2/3 қисми Кўшкўпир, Хазорасп, Бофот ва Урганч туманларида парваришланмоқда. Таҳлил қилинаётган даврда улар сони қарийб 2 мартаға кўпайган бўлсада, улуши бўйича республикадаги энг паст кўрсаткичлардан бирини (12-ўринни) ташкил этмоқда. Мавжуд қўй ва эчкиларнинг 93 фоизи аҳолига тегишлидир.

Вилоят қорамоллар бош сони бўйича республикада 8-ўринни эгаллаб, уларнинг асосий қисми Урганч, Хазорасп, Хонқа ва Шовот туманларида парваришланмоқда.

Вилоятдаги фермер хўжаликларининг 10 фоизи чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, уларга фермерлар ихтиёридаги умумий ер майдонининг 8 фоизи бириктириб берилган. Бир бош чорвага 0,24 га ёки меъёрга нисбатан 19 фоизга кам ер майдони тўғри келади. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларнинг асосий қисми Хонқа, Урганч, Хива ва Кўшкўпир туманларида фаолият кўрсатмоқда.

Йирик шохли чорвачиликни ривожлантириш бевосита озиқа базасини ривожлантириш билан боғлиқ. Республикада тўйимли озиқалар (шрот ва кунжара) ички талабга нисбатан бир неча марта кам ишлаб чиқарилиши эътиборга олган ҳолда мойли экинлар етиштиришни кўпайтириш талаб этилади.

Мутахассислар хулосасига кўра қорамолчиликни ривожлантиришда силос ва сенаж босишни қайта тиклаш, алмашлаб экишни (беда) йўлга қўйиш талаб этилади. Ҳозирги вақтда вилоятда силос ва сенаж босишга техник таъминотнинг мавжуд ҳолати имконият бермайди. Яъни вилоятда фойдаланиш муддати 20 йилдан ошган 2 дона силос ўриш комбайни мавжуд бўлиб, улар ҳам жисмоний ва маънавий эскирганлиги сабабли фойдаланишга яроқсизлигича қолмоқда.

Вилоят республикада гўшт етишириш бўйича 9-ўрин ва сут етишириш бўйича 2-ўринда туриб, таҳлил қилинаётган даврда аҳоли жон бошига гўшт етишириш 1,7 мартага ва сут етишириш 1,6 мартага ўсган.

Фермерлар томонидан ҳам сут етишириш ривожланмоқда. Мисол учун, 2023 йил 2016 йилга нисбатан 4,7 марта кўп сут етиширилиб, бунга чорва маҳсулдорлигининг (2,1 мартага) ҳамда бош сонининг (1,9 мартага) ошгани асосий сабаб ҳисобланади. Ҳозирги вақтда фермерлар томонидан 1 бош сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори 1,6 тоннани ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 1,3 мартага кўпайган. Бу ҳукумат дастури асосида 2016-2023 йилларда хориждан 3233 бош зотдор сигирлар олиб келинганлиги билан боғлиқдир. Импорт қилинган сигирлар сони бўйича Хоразм вилояти республикада Тошкент вилоятидан кейинги 2-ўринни эгаллаб, улуши 10 фоизни ташкил этади.

Шунга қарамасдан, аҳоли чорвачилигига нисбатан маҳсулдорлик нисбатан 1,6 мартага пастлича қолмоқда. Бу вилоятда чорвачилик маҳсулдорлиги ўртача республика кўрсаткичига нисбатан юқори бўлсада, соҳа олдидағи муҳим масалалардан бир маҳсулдорликни оширишдан иборатдир. Бу уни чорвачилик ривожланган (АҚШ, Канада ва Германия каби) давлат даражасига олиб чиқиш устувор аҳамият касб этади. Бунинг учун эса бир бош сигирдан соғиб олинадиган сут миқдорини 3,1 мартага ва гўшт олишни эса 3,3 мартага ошириш талаб этилади.

Чорва маҳсулдорликни ошириш четдан чорва олиб келишдан ташқари, вилоятда сунъий уруғлантириш ишларини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган хизмат ҳажми ва сифатини ошириш талаб этади. Бу учун эса ўрта маълумотли ветеринария враchlари тайёрлашни йўлга қўйиш, уларга меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш ҳамда зарур асбоб-ускуналар (локал дъюм идишлар) билан жиҳозлаш лозим.

Шу асосда минтақада озиқ-овқат маҳсулотлари етишириш даражасини мунтазам равишда ошириб озиқ-овқат хавфсизлигини таминлашда муҳим омил бўлиб ҳизмат қиласи.

## **BUXORO VILOYATIDA VUJUDGA KELAYOTGAN YANGI TURISTIK HUDDULAR**

*G.D.Xasanova, i.f.n., dots.  
Buxoro muhandislik-texnologiya instituti*

*“Buxoroning ko‘hna va boqiy shahar, deb atalishida katta ma’no bor.  
Bu erdagи qadimiy obidalar, osori-atiqalar, xalqimizning betakror qadriyatlari,  
beqiyos an’analari asrlar osha yashab kelmoqda.*

*Chet ellikkarning, tarixshunos va mutaxassislarining ularga  
qiziqishi doimo yuqori bo‘lgan. Bundan unumli foydalanish kerak”.*

*SH.M.Mirziyoev*